

ярим тингиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – ўрнатилган тариф бўйича; тингиз пайт – энг катта юктамали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юктамали соатлари: эртабаки энг катта миклор соат 6-00 дан 9-00 гача, кечки энг катта миклор соат 17-00 дан 22-00 гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миклорда ўсувчи коэффицентни кўллаш орқали;

туғти пайт – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юктамали соатларида: 22-00 дан 24-00 гача ва 00-00 дан 6-00 гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миклорда қамановчи коэффицентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳидаги “Истеъмолчи” дәрнинг бир ставкали тарифига мувофиқдир. Табақалаштирилган тариф кўлланилмайдиган “Истеъмолчи”га энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВАгача бўлган “Истеъмолчи”га энергияни реализация қилиш нарҳни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланмайдиган ташкилотлар рўйхатига кирувчи махсуслот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи “Истеъмолчи” учун Хукумат қарори билан белгиланмайдиган тарифлар кўлланилади.

3.3. Ушбу шартнома бўйича хисоб-китоб даври бир ой хисобланади, яъни хисобот ойнанинг I-санасидан кейинги ойнанинг I-санасигача.

3.4. “Истеъмолчи” ҳар ойда “Қорхона”нинг ваколатли вақили иштирокида хисоб-китоб даври охирида хисоблагичлар кўрсаткичларини ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисоботни тузади.

Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари қорхонасига белгиланган шакл бўйича ойнанинг 25-санасидан 30-санасигача бўлган муддатда ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган хисобот, истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмининг аниқлаш учун асос бўлиб хисобланади, яъни

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифга амалга оширувчи, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган “Истеъмолчи” бўйича энергия (актив ва реактив) сарфининг тўлиқ ҳажмидан ташқари, алоҳида-алоҳида тингиз, ярим тингиз ва туғти пайтлардаги ҳажмлари ҳам аниқланиши ва кўрсатиб ўтилши шарт.

3.5. Энергия сарфи бўйича хисобот асосида “Қорхона” ўрнатилган тартибда хисоб-китобни амалга оширади, 5 кун ичида тўлаш учун хисоб фактура ва тўлов хисоб варағини ёзиб беради. “Истеъмолчи”да турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган тақдирда, ҳар бир тариф гуруҳи кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура ёзилади.

3.6. Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш ойнанинг 10-санасигача хисобот даври бошлангуна шартномавий миклорнинг 100 фоизи миклорда олдидан ҳақ тўлангандан кейин амалга оширилади, яъни “Истеъмолчи”га энергияни етказиб бериш ойнанинг 10-санасигача хисобот ойна ва келгуси ой учун шартномада белгиланган 100 фоизлик миклор учун олдидан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилган тақдирда, электр энергия узатилади, ақс ҳолда ҳар ойнанинг 11-санасидан бошлаб истеъмолчилар тармоқдан ажратилади.

3.7. Тарифлар ўзгарганида “Истеъмолчи” етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар қучча кирган кундан бошлаб истеъмол қилинган энергия учун янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.8. Хисоблагичлар ушбу шартноманинг 4-иловасидagi томонларнинг электр тармоқлари билан мансублиги ва фойдаланиш бўйича махсуслигини тақсимлаш бўйича даволатномага мувофиқ аниқлашдан электр тармоқининг бағане бўйича мансублик четарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқининг четарасидан хисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги энергиянинг технология сарфининг ҳажми “Истеъмолчи” билан бirlaгилска хисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ даволатномада кўрсатиллади.

Бунда, табақалаштирилган тарифга тўловларни амалга оширувчи 750 кВА ва ундан юқори бўлган қувватга уланган “Истеъмолчи” учун энергиянинг технология сарфиниши сутканинг тингиз, ярим тингиз ва туғти пайтлари учун алоҳида аниқланиб ёки умумий технология сарф миклоридан келиб чиқиб ҳар бир давр учун муносиб равишда хисоблаб, жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов хисоб варағини ёзиш учун муносиб равишда кўшиб боради.

3.9. Хисоблагичлар кўрсаткичи ёзиб олинмаган ёки энергия сарфи тўғрисидаги хисобот “Истеъмолчи” томонидан тақдим этилмаган тақдирда, “Қорхона” томонидан энергия истеъмолчининг шартномавий миклори бўйича ёки ўтган хисоб-китоб давр учун энергия истеъмолчининг амалдаги миклори тўғрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб қилиншига ҳажим, бу ҳақда “Истеъмолчи”нинг хисоб варағида тегишли равишда қайд қилинади.

Хисоблагичлар кўрсаткичи назорат тартибида “Қорхона” вақили томонидан ёзиб олингандан кейин “Қорхона” томонидан амалда истеъмол қилинган энергия учун белгиланган тартибда қайта хисоб-китоб қилинади.

3.10. “Истеъмолчи”нинг энергия учун тўловлар, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек хисобга олинмаган энергия қайта хисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблаглари қарзни қоллашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

“Истеъмолчи”нинг айби билан ушбу шартномада кўрсатилган энергия ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблаглар қайтариб берилаиди ва энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинмайди.

3.11. Шартномада келтирилган хисоб-китоб даври учун кўрсатилган миклордан 5 фоиздан ортиқ миклорда энергия истеъмол қилинганда, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган миклордан ортиқ истеъмол қилинган энергиянинг ҳажми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миклорига тўлов ундирилади.

3.12. “Истеъмолчи” “Қорхона” билан бirlaгилска ҳар ойда, хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таққослаш даволатномасини тузади.

3.13. “Истеъмолчи”ни электр тармоқларидан ўзиш кўйидаги ҳолларда амалга оширилади: Шартнома мажбуриятлари бевжарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда; “Қорхона” талабномалари ижро этилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вақилларига хисоблагичлар кўрсаткичларини олиш ва хисоблаш тизими уланмиш занжирини текшириш учун руҳсат этилмаганда;

хисоблагичлар қасддан бузилганда, кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан ариштирилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланмиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.14. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб “Истеъмолчи”ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобдорликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи тармоқка унинг томонидан қондбузарлик ҳолати бартраф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миклорига тўлов ундирилгандан сўнг қайта уланади (ЭНХА’Та уланган истеъмолчилар бундан мустасно, ЭНХА’Та уланган истеъмолчи дегани: масофадан тармоқдан ажратилш нақони бор истеъмолчилардир).

3.16. Истеъмолчи етказиб берилган энергия учун ўз вақтида(шартномада белгиланган муддатларда) тўламаца, Қорхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи